



ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Исмаилов Акмал Махсудович,

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, и.ф.н.,
Тошкент, Ўзбекистон. akmal-0278@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a10

Аннотация

Ушбу мақолада қурилиш корхоналарининг иқтисодий салоҳияти тушунчаси атрофлича ўрганилган ва уларни бошқариш жараёнига таъсир кўрсатадиган ўзига хос хусусиятлар муҳокама қилинган. Қурилиш жараёнини ташкил қилишнинг бошқа тармоқлардаги ишлаб чиқариш жараёнидан фарқлари очиб берилган. Қурилиш корхонасининг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда янгича услубдан фойдаланиш таклиф этилган. Хулоса қилинишича, корхонанинг иқтисодий салоҳияти концепциясини ташкил этувчи элементларнинг шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бу тармоққа боғлиқлик эканлиги ва Ўзбекистондаги қурилиш саноати ўз тараққиётида миллий иқтисодиётнинг илғор тармоқларидан орқада қолаётганлиги ҳамда инновацион технологияларни кенг қўллаш билан иқтисодиёт ва бошқарувни ташкил этиш бўйича мазкур соҳада тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Калит сўзлар: қурилиш корхоналари иқтисодий салоҳияти ва уни бошқариш, манфаатдорлик индекслари, чекли манфаатнинг ортиб бориши, иқтисодий салоҳиятни аниқлаш услуги.

Аннотация

В данной статье подробно рассматривается понятие экономического потенциала строительных компаний и основные его особенности влияющие на процесс менеджмента. Организация загрузки строительного производства выявляет отличия от производственного процесса в других отраслях за счет структуры управления экономическим потенциалом строительной компании. Сделан вывод, что зависимость факторов формирования составных элементов концепции экономического потенциала предприятия зависит от отрасли. Кроме того строительная отрасль в Узбекистане отстает в своем развитии от передовых секторов национальной экономики и требует обширных исследований в этой области по организации экономики и управления с широким использованием инновационных технологий.

Ключевые слова: управление экономического потенциала строительных организаций, индексы выгод, увеличение предельной выгоды, методика определения экономического потенциала.

Abstract This article is considered in detail the concept of economic potential of construction companies and the main features that affect the management process. The organization of the loading of construction production reveals the differences from the production process in other industries due to the structure of managing the economic potential of the construction company. It is concluded that the dependence of the factors forming the constituent elements of the concept of the economic potential of an enterprise depends on the industry. In addition, the

<http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal>

construction industry in Uzbekistan lags behind in its development from the advanced sectors of the national economy and requires extensive research in this area on the organization of the economy and management with the widespread use of innovative technologies.

Key words: management of the economic potential of construction companies, benefit indices, marginal benefit increase, methodology for determining the economic potential.

Кириш

Қурилиш корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда манфаатдор субъектлар қаторига нафақат корхонанинг ўзи, балки давлат, мулкдорлар, инвесторлар, тижорат банклари, фонд бозорлари, ишлаб чиқариш шериклари, маҳсулот истеъмолчилари ва бозор инфратузилмасининг бошқа манфаатдор ташкилотларни киритиш мумкин. Яъни, иқтисодий салоҳиятни баҳолашда икки томонлама - ташқи ва ички тарафдан таҳлилий ўрганиш асосида умумий кўрсаткичларни жамлаш ва ягона умумлашган кўрсаткичларни шакллантириш талаб этилади. Қурилиш корхоналарининг ҳар бири, биринчи навбатда, ўз молиявий манфаатларини кўзлайди, жумладан, корхона фаолиятини қонунчилик доирасида тартибга солувчи, императив ва лицензияловчи функцияларни ўз зиммасига олган давлат, биринчи навбатда, корхона даромадининг бир қисмини солиққа тортиш йўли билан молиявий манфаатларни кўзлайди. Инвесторлар ва хусусий мулкдорлар эса ўз киритилган маблағлари ҳисобидан даромад олиш мақсадини илгари суришади. Ҳамкор ташкилотлар эса тузилган шартномаларнинг ўз вақтида бажарилишидан, узоқ муддатли иқтисодий алоқаларни таъминлашдан, хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотлари бозор нархларининг ўзгармас бўлишидан манфаатдор бўлишади. Тижорат банклари қарз олувчи корхонанинг кредитга лаёқатлилиги ва унинг узоқ муддатли молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ривожланиш истиқболларидан манфаатдор ҳисобланадилар. Менежерлар молиявий пул оқимларини ва инсонлар ресурсларини самарали бошқаришдан манфаатдорлар. Ушбу манфаатлар иқтисодий фаолият натижасида корхонанинг иқтисодий фойдасини оширишга хизмат қилиши лозим. Манфаатдорлик қуйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин, жумладан, иш ҳақининг юқорилиги, касбий ўсиш ва бизнес карьерасини яратиш имкониятлари, соғлом иш муҳити, мақбул иш шароитлари ва бошқалар.

Бундай манфаат турларини ички ва ташқи гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан, ички манфаат гуруҳлари ўз навбатида оддий ишчи ва ходимлардан тартиб бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ташкил этадиган бўлса, ташқи гуруҳларга истеъмолчилар, юқори турувчи маъмурий бошқарув органлари ходимлари жумладан, ҳокимият органи вакиллари, солиқ органи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қурилиш корхонаси иқтисодий салоҳияти фаолият кўрсатаётган муҳит таъсири остида шаклланади. Қурилиш корхоналари фаолиятининг муҳитини ўрганиш корхоналар фаолияти назариясини замонавий тушунишга асосланган бўлиши лозим. Қурилиш корхоналари фаолияти муҳити ички ва ташқи омиллар асосида табақалашган муҳитда ишлайдиган мураккаб очиқ ижтимоий-ишлаб чиқариш тизимлари ва улар билан боғлиқ бўлган ўзига хос муносабатларни ўз ичига олади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Қурилиш корхонаси иқтисодий салоҳиятининг шаклланиш омиллари таъсирини ўрганиш унинг сифат ва миқдорий хусусиятлари параметрларини баҳолашга ва бу омилларнинг иқтисодий салоҳият параметрларига таъсири оқибатларини таҳлил қилишга, шунингдек ривожлантиришга имкон беради. Бу эса ушбу таъсирнинг ижобий томонларини ишлатишга ва салбий томонларини зарарсизлантиришга имкон берадиган чоралардир.

Иқтисодий салоҳият тушунчасини талқин қилиш жараёнида салоҳият (потенциал) тушунчасининг маъносига тўхталиш аҳамиятли ҳисобланади. "Салоҳият" тушунчасининг атама сифатида турли олимлар томонидан талқинларини кўриб чиқиш ва унинг иқтисодий манфаатлар шаклланишидаги ўрнини белгилашимиз зарур ҳисобланади. "Салоҳият" тушунчаси латинча "potentia" сўзидан олинган бўлиб, "имконият, куч, кудрат" каби маъноларни англатади. Иқтисодий адабиётларда "салоҳият" тушунчаси "мавжуд воситалар мажмуи", "ҳар қандай соҳадаги имкониятлар" мавжуд манбалар, восита, заҳира," сифатида таърифланади. "Салоҳият" тушунчасининг атама сифатида юқорида берилган талқинларининг умумий жиҳати сифатида маълум бир мақсадларга эришиш учун керак бўладиган ва талаб этиладиган айрим воситалар йиғиндисининг амалга оширилиш имкониятлари мавжудлигидан ташкил топади. Шундан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, иқтисодий адабиётларда "иқтисодий салоҳият" тушунчасининг бир қанча талқинлари келтирилган. Бундан ташқари, иқтисодий ривожланиш иқтисодий салоҳиятнинг якуний кўрсаткичидир. "Иқтисодий ривожланиш" тушунчаси "иқтисодий ўсиш" тушунчасидан кенгроқдир. Иқтисодиёт маҳсулотнинг миқдорий кенгайиши билан амалга ошади ва тор маънода ўсиш билан бирга бўладиган сифат жиҳатларини ўз ичига олади[1].

Иқтисодий салоҳият, иқтисодий категория сифатида мураккаб, кўп қиррали, жамланган ва консолидацияланган иқтисодий жараёнларни, алоқаларни ва муносабатларни акс эттириувчи тизимдир.

Илмий адабиётларда "потенциал" атамаси турли хил маънога, жумладан, "куч", "куч қувват", "максимал имконият", "чегара" каби тушунчаларни англатади. Айрим хориж иқтисодчилари томонидан "Иқтисодий салоҳият-бу кўп шакли техник потенциал",-деб таъриф беришган [2].

Потенциал (латинча «potentia» - куч) - ҳар қандай муаммони ҳал қилиш, мақсадга мувофиқ ишлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган манбалар, имкониятлар, воситалар, захиралар, шахс, жамият, давлатнинг маълум бир соҳадаги имкониятларидир[3].

Қурилиш корхонаси "иқтисодий салоҳияти" категориясини таъсир этиш доирасига кўра молиявий салоҳият, ишлаб чиқариш салоҳияти, меҳнат салоҳияти, инновацион салоҳият, инвестицион салоҳият каби турларга ва айрим иқтисодий адабиётларда маркетинг салоҳияти, бозор салоҳияти, технологик салоҳият [4] ва бошқарув салоҳиятларига ҳам ажратилган.

Иқтисодий салоҳиятни аниқлашда меҳнат салоҳиятининг таркибий қисми бўлган ишчи ва ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олиш муҳим ўрин тутаяди. Бунда биз корхона иқтисодий салоҳиятини аниқлашда энг асосий ўринни айнан инсон ресурслари яъни меҳнат салоҳияти ўрин тутишини чуқур англашимиз лозим. Инсон манфаатини тўлалигича аниқлашга, уни ташкил этувчи сифатларни инсон

манфаатларининг элементлари сифатида қаралгандагина у моддий объект даражасидаги моҳиятга эга бўлади.

Бундай ёндашув, авваламбор инсон манфаатлари тушунчасини кенгроқ талқин қилиш, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Бироқ ҳанузгача инсон манфаатлари тушунчасининг аниқ таърифи иқтисодий адабиётларда келтирилмаганлиги, фақатгина унинг айрим жиҳатлари ёритилганлиги ушбу атамага қизиқишни янада орттиради. Инсон манфаатлари тушунчасига атрофлича ёндошишга, унинг турли жиҳатларини ёритиш орқали иқтисодий салоҳиятга таъсирини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Айтайлик инсон томонидан содир этилган ҳатолар ва эътиборсизликлар, унинг психологик ҳолати ва соғлиги, руҳий-эмоционал ҳолати ва бошқа кўпгина шу кунгача ишлаб чиқариш жараёнида эътиборга олинмай келаётган жиҳатлари орқали иқтисодий жараёнларга, жумладан иқтисодий салоҳиятга бевосита таъсир этувчи омил юзага келади.

Инсон манфаатлари тушунчасига бериладиган таъриф, иқтисодий нуқтаи назардан қараганда иқтисодий жараёнлар иштирокчилари бўлган инсонларнинг шахсий фазилатлари, хусусиятлари ва шу каби бошқа жиҳатларининг ташқи омиллар таъсири остида намоён бўлиши деб қарасак мақсадга мувофиқ бўлар эди (1-расм).



1-расм. Инсон манфаатлари гуруҳланиши.

Изоҳ.: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

«А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» (1776 й.) деган китобида инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий

манфаатдир»[5] – деб кўрсатади. Шу ўринда айтиш мумкинки, инсон манфаатлари иқтисодий тараққиётнинг келажакни белгиловчи муҳим бўғин бўлиб ҳисобланади. Фикримизча, инсон манфаатлари бевосита инсонга боғлиқ бўлган нарса ва ходисаларнинг инсон томонидан билдирилувчи муносабатлари йиғиндиси. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг марказида инсон туради ва ундаги барча воқеа ва ходисалар бевосита ва билвосита инсон иштирокида содир бўлади. Инсон манфаатлари ўзаро бир-бири билан муносабатда бўладиган, турли синфлар, қатламлар ва гуруҳлар тизимидан иборат бўлиб, уларнинг фаолияти ва ўзаро муносабатлари жамиятнинг илғор ривожланишини таъминлайди. Инсон манфаатлари тушунчасини бир томонлама ўрганиш унинг иқтисодий мазмун ва моҳиятининг тўла очиб берилишига тўсиқ бўлмоқда. Чунки, кишилиқ жамиятидаги барча нарса ва ходисаларнинг марказида инсон туриши ва барча қабул қилинган қонунлар инсон манфаатига қаратилганлиги унинг иқтисодий жиҳатдан моҳиятига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Шундай бўлсада айнан инсон манфаатлари биринчи навбатда инсоннинг ташқи таъсирга билдирилган муносабати деб қаралиши лозим деб ўйлаймиз. Бунга изоҳ сифатида шуни айтиш мумкинки, барча иқтисодий жараёнлар “манфаат устунлиги” шаклида намоён бўлади ва содир этилади. Бундай манфаатларни ўз навбатида иқтисодий ёки моддий, ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа турларга ажратиш мумкин. Бироқ бундай таъриф иқтисодий қонунлар орасида манфаатни акс эттирувчи ягона иқтисодий қонун йўқ эканлигини кўрсатади.

Қонун - бу зарурий, муҳим, барқарор, ходисалар орасидаги такрорланадиган муносабатлар [6] эканлигини билган ҳолда, иқтисодий жараёнларнинг инсон манфаатига хизмат қилиши жмҳатидан қараганда “манфаат устунлиги” иқтисодий қонуни мавжуд бўлиши лозимлигини кўрсатади. Бу эса умум иқтисодий жараёнларнинг амал қилишида муҳим аҳамият касб этади. Жамият тараққиёти тарихида мавжуд бўлган барча инсонлар ўз турмуш тарзини маълум турдаги манфаатга асосланган ҳолда ташкил этишган. Бундай манфаатларни бизнингча, таъсир этиш кўламига бўйича қуйидагича туркумлаш мумкин.

Инсон манфаатларини кўламига кўра яъни бир ёки бир гуруҳ инсонлар манфаатини акс эттирувчи манфаатлар сифатида қарайдиган бўлсак уларни шахсий, гуруҳ ёки оила, жамият ва илоҳий манфаат каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Шахсий яъни ягона шахс манфаати дейилганда инсоннинг иқтисодий жараёнлар субъекти сифатида амалга оширадаган барча фаолиятида, бу ҳоҳ ишчи ёки хизматчи, раҳбар ёки ходим, харидор ёки истеъмолчи бўлишидан қатъий назар маълум миқдорда ўз шахсий манфаати йўлида ҳаракат қилиши назарда тутилади. Шахсий манфаат ўз навбатида шахсга таълуқли бўлган мол мулк, моддий бойликлар, соғлиги ва руҳияти билан боғлиқ бўлган манфаатларни назарда тутати. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, шахсий манфаат шахсий мулк даҳлдорлигини ҳимоя қилишга қаратилишини инобатга оладиган бўлсак, мамлақтимиз қонунчилигида “шахсий мулк” шакли мулк шакллари таркибига киритилиши лозим. Бу эса инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқини янада мустаҳкамлайди, шу билан бирга иш ҳақидан шаклланган мулк даҳлсизлигини кафолатлаш имкониятини яратади. Чунки инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти фақатгина ўзига тегишли бўлиб, қилинган меҳнатдан олинган

даромад эвазига шаклланган мулк шахсий мулк шакли сифатида намоён бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Гуруҳ ёки оила манфаати – инсон табиатан жамоада яшаши ва меҳнат қилиши жиҳатидан ўз оиласи, яқинлари ёки жамоадошларининг манфаати йўлида иш кўриши уларнинг манфаати бошқалар манфаатидан устинлиги нуқтаи назардан иш юритади.

Бундан ташқари инсоннинг жамиятдаги доимий фаолияти жамият ҳамда давлат манфаати нуқтаи назаридан иш юритиш заруратини келтириб чиқаради. Манфаат йўқ жойда ривожланиш ҳам бўлмайди ва айнан шу манфаат давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини тартибга солишда, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар олиб боришда ўз моҳиятини тўлалигича намоён этади. Шундай қилиб инсон манфаати иқтисодий жиҳатдан инсоннинг иқтисодиётга таъсири сифатида намоён бўлади. Айнан ана шу таъсир инсон манфаатлари кўринишида шаклланади ва иқтисодиётга таъсир этувчи сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий омиллар қаторида навбатдаги омил сифатида келтирилиши мақсадга мувофиқ. Буни шунда кўришимиз мумкинки, барча иқтисодий жараёнлар инсон учун хизмат қилсада инсон истеъмолчи ёки ишлаб чиқарувчи сифатида шахсий, гуруҳ ёки жамият манфаати йўлида иш кўради. Бу эса ишлаб чиқарилган махсулотлар сифати ошишига ва пул тушумининг ортиши ёки камайишига беъвосита таъсир кўрсатади.

Мақсадига кўра инсон манфаатларини гуруҳлашда иқтисодий ёки моддий манфаат, ижтимоий манфаат, ҳуқуқий манфаат, маънавий ёки бошқа турдаги манфаат турларига ажратишимиз мумкин бўлади. Бунда инсон ҳар бир қиладиган ҳаракати ёки фаолияти мақсадли равишда маълум бир манфаат турини кўзлайди. Бу иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий-маданий ёки бошқа турдаги манфаатларни назарда тутати.

Юқоридаги баён этилганлардан келиб чиқиб шунни айтиш мумкинки, инсон иқтисодий жараёнларнинг субъекти сифатида унинг эҳтиёжи ва ҳоҳишларини инобатга олиниши инсон манфаатлари кўринишида иқтисодиётдаги ўрнини ўрганишга зарурат келтириб чиқаради. Инсон манфаатлари тушунчасини ўрганиш унинг иқтисодиётга таъсирини прогноз қилишга имконият яратади. Бундай таъсирни инсон манфаатлари деб номлаш ва шартли равишда (М)-манфаат кўринишида белгилаб олиш мақсадга мувофиқ деб топдик.

Бизга маълумки иқтисодий қонунлар сифатида “чекли нафлиликнинг камайиб бориш” қонунига асосан инсоннинг бир даврийлик давомидаги барча ҳаракатларининг нафлилиги камайиб боради, лекин бизнингча умумий даврийликда инсон манфаатлари нафлиликнинг камайиб боришидан фарқли ўлароқ ортиб бориш хусусиятига эга. Бу эса шу билан изоҳланадики, инсон бирор бир бойликка эга бўлганда у ушбу бойликнинг миқдори билан чегараланиб қолмайди, аксинча у кўпроқ бойлик ортириш ҳаракатига тушади. Бу эса шу билан изоҳланадики, ҳар бир инсон ҳар қандай ҳодиса ва жараёнларга ўз манфаати устунлиги жиҳатидан ёндошади, шу билан бирга инсоннинг манфаатига мос бўлмаган ҳодиса ва жараёнлар тугатилади ёки йўқликка юз тутати.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, динамик қаторлар, аналитик таққослаш, мантиқий таҳлил ва гуруҳлаш усуллари билан кенг қўлланилган.

Шунингдек, мазкур мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларидан ҳам фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Демак биз ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда агарда биргина омил яъни моддий манфаат билан чегараланганда унинг ушбу моддий бойликдан оладиган манфаати ошиб боради ва ундан қониқиш миқдори камайиб боради деган назарий хулосага келишимиз мумкин. Бу ҳолатда инсон моддий бойликнинг ортиши билан ундан оладиган қониқиш миқдори камайиб боришини назарий жиҳатдан асослаш мумкин. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, барча инсонлар моддий бойликдан оладиган умумий манфаати ортиб бориши ва шу билан бирга ундан оладиган қониқиш миқдори яъни чекли қониқиш миқдори ҳам ортиб боради деган хулосага келишимиз мумкин ва бундан хулоса сифатида **умумий манфаатнинг ортишиб бориши иқтисодий қонунининг** юзага келиши заруратини кўрсатади. Бунга мисол тариқасида ҳар бир инсон қилган меҳнатидан оладиган манфаат кейинги сафар бажарадиган меҳнатидан оладиган манфаатдан кичик бўлади. Демак бунда:

$$\begin{aligned}M_1 &\leq M_2; \\M_1 &= ЧН_{1.1} + ЧН_{1.2} + ЧН_{1.3} + \dots + ЧН_{1.n}; \\M_n &= ЧН_{n.1} + ЧН_{n.2} + ЧН_{n.3} + \dots + ЧН_{n.n}; \\M_n &= M_{n-1} + \Delta M_n; \\ЧН_1 &= \frac{\Delta OH_1}{\Delta Q_1}; \\ЧН_1 &\geq ЧН_2;\end{aligned}$$

Бу ерда: М -манфаат миқдори,
ЧН-чекли нафлилик миқдори.

Юқорида айтилгани каби “чекли нафлиликнинг камайиб бориш” қонунига асосан инсоннинг бир даврийлик давомидаги барча ҳаракатларининг нафлилиги камайиб боради.

$$\begin{aligned}\Delta M_1 &= M_1 - M_0; \\ \Delta M_1 &= M_1; \\ \Delta M_2 &= M_2 - M_1; \\ \Delta M_2 &\leq M_2; \\ \Delta M_n &= M_n - M_{n-1}; \\ \Delta M_n &\leq M_n;\end{aligned}$$

Бу ерда: ΔM – чекли манфаат миқдори.

Тадқиқотлар натижасида шуни айтиш мумкинки, бизнингча умумий даврийликда инсон манфаатлари чекли нафлиликнинг камайиб боришидан фарқли равишда чекли манфаат миқдори ортиб бориш хусусиятига эга.

$$\begin{aligned}\Delta OH_1 &= OH_1 - OH_0; \\ \Delta OH_n &= OH_n - OH_{n-1}; \\ UM_n &= M_1 + M_2 + M_3 + \dots + M_n;\end{aligned}$$

$$UM_n = \sum_{n=0}^n M_n;$$

Бу ерда: ОН –оралиқ манфаат миқдори,
UM- умумий манфаат.

Юқорида келтирилган формуладан шуни кўришимиз мумкинки, оралиқ манфаат миқдори инсоннинг бир даврийлик давомидаги барча ташкил этувчи элементларини ифодалайди.

Инсон манфаатларининг иқтисодий таъсирини қуйида келтирилган формула кўринишида изоҳлаш мумкин:

$$IM_n = (M_{1,2}/M_{1,1} + M_{2,2}/M_{2,1} \dots + M_{n,2}/M_{n,1})/n$$

Бу ерда: IM – манфаатдорлик коэффиценти.

Ушбу коэффицентлар $0 \leq IM_n < 1$ бўлганда манфаат паст даражада ёки мавжуд эмас, $IM_n = 1$ га тенг бўлганда меъерий манфаат мавжудлиги, $1 < IM_n$ 1дан юқори бўлганда манфаатнинг ортиб бориши қонуни амал қилиши билан изоҳлаш мумкин. Келтирилган формуладан шуни кўриш мумкинки инсоннинг иқтисодий таъсирини, яъни унинг иқтисодий ривожланишга таъсирини аниқлаш, келажакда ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш учун муҳим ҳисобланади.

Қуйида келтирилган жадвал маълумотлари асосида корхона иқтисодий таҳлилини корхона манфаатдорлиги жиҳатидан амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Жумладан M_2 -2020 йилдаги корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари 2019 йилга нисбатан ўзгариши жиҳатидан таҳлил қилинган, мос равишда M_3 -2021 йилдаги корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари 2020 йилга нисбатан ўзгариши таҳлилий ўрганилган, IM_3 -корхонанинг манфаатдорлик коэффицентлари бўлиб унда ҳар бир кўрсаткич бўйича таҳлил қилинаётган даврда манфаатдорлик коэффицентлари ҳисобланган. Юқорида келтирилган бўлиниш меъзонларига асосан барча кўрсаткичлар бўйича корхонанинг манфаатдорлик коэффицентлари 1дан кичик бўлганда ривожланиш даражаси паст даражада, 1 га тенг бўлганда меъерий ривожланиш даражасига эга эканлиги ва 1 дан юқори бўлганда юқори ривожланиш кўрсаткичига эга эканлигини айтиш мумкин бўлади.

Қуйида келтирилган жадвал маълумотларини таҳлил қилиниши натижасида шуни айтиш мумкинки, ушбу “Ремстройкомплект Инвест Инжиниринг” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасининг иқтисодий кўрсаткичлари умумий ўртача манфаатдорлик коэффиценти 1,0 га тенг эканлиги ушбу корхонанинг меъерий ривожланиш даражасига эга эканлигидан далолат беради (1-жадвал).

Айнан инсон манфаатлари кўрсаткичини ўрганиш асосида бошланғич маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини аниқлаш имконини беради. Айтайлик, инсоннинг маҳсулот истеъмолчиси сифатида унга бўлган талаблар ва бундай талабларни маҳсулотнинг сифатига, нархига ва ташқи кўринишига бўлган талаблар сифатида келтириш мумкин. Бунда, айнан мана шу кўрсаткичлар маҳсулотнинг қанча миқдорда ва қандай нархда сотилганда ундан юқори даромад олиш имконини белгилайди. Демак, инсон манфаатлари кўрсаткичини аниқлаш иқтисодийнинг барча тармоқ ва

соҳалари учун муҳим бўлиб ушбу тармоқ ва соҳаларнинг ривожланиш тенденциясини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал

**“Ремстройкомплект Инвест Инжиниринг” масъулияти чекланган жамияти
қўшма корхонасининг иқтисодий
КЎРСАТКИЧЛАРИ**


№	Кўрсаткичлар	2019й	2020й.	2021 й.	M ₂	M ₃	IM ₃
1	Қурилиш ишлари ҳажми, сўм	100633545000	124671727990	70429000400	1,24	0,56	0,60
2	Олинган соф фойда, сўм	4 789 224 300	8 756 246 400	6 555 135 000	1,83	0,75	0,86
3	Меҳнат ресурслари сони, (киши)	136	268	272	1,97	1,01	1,00
	Шундан:						
-	Доимий ишчи ва ходимлар сони	136	268	272	1,97	1,01	1,00
4	Ишчи ва ходимлар орасида суғурталанганлар сони	87	223	215	2,56	0,96	1,18
5	Корхонада ўртача иш ҳақи миқдори	1997840	2 264 600	2 850 600	1,13	1,26	0,80
6	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати	1476405000	30144 924568	45242489128	2,04	1,50	1,18
7	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	10 449 055900	28261992859	27764572657	2,70	0,98	1,23
8	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати	17722 439 000	42877656735	47607321520	2,42	1,11	1,18

Манба: “Ремстройкомплект Инвест Инжиниринг” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасининг иқтисодий кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бугунги кунда “манфаат устуллиги”ни таъминлайдиган инсон манфаатлари ягона бир тизим ёки мажмуа сифатида қаралмайди. Лекин бутун инсоният учун инсон манфаатларини ҳисобга олиш ва уни баҳолашнинг аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. Буни турли хил усул ва ёндашувлардан фойдаланган ҳолда амалга оширишни талаб этади. Манфаатларни ташкил этувчи ва белгиловчи муҳим сифатларнинг мавжудлиги инсоннинг ўз манфаатлари доирасида фикр юритиши, қарор қабул қилиши ва ҳаракат қилишини кўришимиз мумкин (2-расм).

Ушбу сифатларнинг у ёки бу тури инсонда намоён бўлиши қай даражада эканлиги унинг манфаатини белгилаб беради. Натижада, инсон таъсири мавжуд бўлган барча соҳа ва тармоқлар инсон манфаатлари натижаси сифатида ривожланади. Демак, нафақат иқтисодий тизим балки дунёдаги барча муносабатлар инсоннинг у ёки бу турдаги манфаатларини ифодалар экан, биз иқтисодий ривожланиш даражасини ва хусусиятларини аниқлаш ва зарурий хулоса чиқариш имкониятига эга бўламиз. Шу сабабли инсон манфаатларини кенгроқ тушуниш ва уни баҳолаш учун ушбу манфаатларга таъсин этувчи ва уларни белгилаб берувчи сифатларнинг таркибий тузилмаси ишлаб чиқилди.

Демак инсон манфаатларини аниқлаш, уни 4 гуруҳга бўлиб ўрганишни талаб этади. Булар, иқтисодий ёки моддий манфаатни белгиловчи сифатлар, ижтимоий манфаатни белгиловчи сифатлар, илмий, сиёсий-ҳуқуқий манфаатларни белгиловчи сифатлар ҳамда илоҳий-маънавий ва эҳтимолий манфаатларни белгиловчи сифатлардир.



2-расм.Инсон манфаатларини белгиловчи сифатлар.

Изоҳ .: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридаги расмда инсоннинг фикр юритиши, қарор қабул қилиши ва барча ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этадиган энг зарур ва муҳим инсоний

сифатлари танлаб олинган. Ушбу тузилма инсоний сифатлар мажмуасидан ташкил топиб, уларни инсон манфаатини ташкил этувчи элементлар, деб аташни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур сифатлар инсонлар табиатида барчаси яхлит мажмуа кўринишида қарор топади, инсоннинг яшаши ва тўлақонли ижтимоий-иқтисодий фаолият юритишини, шу билан бирга хулқ-атворининг шаклланишини таъминлаб беради. Ушбу сифатларни меҳнат жамоасининг барча аъзоларига татбиқ этилиши ушбу жамоани ягона мақсад йўлида бирлашишга, маданий-ахлоқий ва маънавий муҳитни яхшилашга хизмат қилади. Корхонани иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, унда меҳнат қилаётганларнинг биргаликдаги фаолияти самарали бўлишига, касбий маҳорати ва маълумотлилиқ даражасига, малакасига, маънавий- маърифий, ахлоқий жиҳатларига, ишчи ва ходимларнинг меҳнати ҳамда турмуш шароитига, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондира олишга боғлиқ эканлигини кўрсатиб туради.

Инсон манфаатларини акс эттирувчи сифатларни 4 та асосий гуруҳга ва 44 сифатларга ажратилган. Инсоний сифат турлари булар билан тугамайди. Ушбу сифатлар инсон ҳаёти ва меҳнат фаолияти жараёнида зарур бўладиган бирламчи энг муҳим сифатлар кўринишида танлаб олишга ҳаракат қилдик. Ўз навбатида ушбу сифатларнинг сонини ошириш ҳам турли мураккабликларни келиб чиқишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар

Қурилиш корхоналари иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва бошқаришда авваламбор иқтисодий манфаатдорлик нуқтаи наразидан ёндашув амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан манфаат устунлиги барча соҳа ва тармоқларда устунлик қилади, яъни инсон манфаатлари устунлик қиладиган корхона ва ташкилотлар иқтисодий ривожланиш имконияти юқори бўлиб улар ўз навбатида иқтисодий кўрсаткичларининг ортиб бориши ва аҳоли даромадларининг кўпайиши билан изоҳланди ва аксинча инсон манфаати ҳисобга олинмаган корхона ва ташкилотлар барқарор ривожланиш имкониятига эга бўлмайди. Шунингдек, қўйидаги йўналишларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Қурилиш корхоналари иқтисодий салоҳиятини бошқаришда иқтисодий манфаатдорликни баҳолаш талаб этилади.

2. Корхоналар иқтисодий фаолияти манфаатдорлигини баҳолаш асосида ушбу қурилиш корхоналарининг ривожланишини прогноз қилиш ва ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш имкониятини яратади.

3. Иқтисодий манфаатдорликни баҳолаш нафақат ишчи ва ходимлар балки раҳбар ходимлар меҳнат фаолиятини баҳолаш ва мавжуд камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш имконини беради.

4. Келгусида қурилиш корхоналари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш учун иқтисодий манфаатдорликни баҳолашни амалга ошириш заруратини юзага келтиради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, муаллиф томонидан таклиф этилаётган баҳолаш меъзонлари асосида қурилиш корхоналари фаолиятини юқори аниқликда прогноз қилиш, самарали бошқариш, ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш ва мавжуд камчиликларини аниқлаш имконини беради. Бу эса иқтисодий

манфаатдорлик индексларини қўллаш орқали корхоналарнинг иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхшироқ ўрганиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mohammad A.A., Khorshed A., Brad T., Shuddhasattwa R., 2020. Does ICT maturity catalyse economic development? Evidence from a panel data estimation approach in OECD countries// Economic Analysis and Policy journal, doi: <https://doi.org/10.1016/j.jik.2020.11.001>

2. Minhyun L., Taehoon H., Kwangbok J., Jimin K., 2018. A bottom-up approach for estimating the economic potential of the rooftop solar photovoltaic system considering the spatial and temporal diversity// Applied Energy 2 journal, doi: <https://doi.org/10.1016/j.apenergy.2018.09.176>

3. Большой экономический словарь / под ред. А.Н. Азрилияна. М., 1999. С. 477.

4. Совершенствование методики анализа экономического потенциала хозяйствующего субъекта: монография / Т. Г. Шешукова, Е. В. Колесень; Перм. гос. нац. исслед. ун-т- Пермь, 2013. - 196 с. (с.14).

5. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Молия, 2002. – Б. 19.

6. Новиков Д.А., Законы, закономерности и принципы управления. <http://www.mtas.ru/>